

Тўхта, мени мақтама



08:00 / 15.07.2020 2248

Бир киши Абдулмалик ибн Марвонга: «Сизни хурсанд қиладиган бир гап айтмоқчиман», деди. Абдулмалик ибн Марвон: «Тўхта, мени мақтама, маддоҳлик қилма, чунки кимлигимни ўзим яхши биламан. Менга ёлғон ҳам гапирма, чунки ёлғон нарсага фикр билдирилмайди. Менинг олдимда ҳеч кимни ғийбат қилма», деди. Ҳалиги одам мулзам бўлиб, «Эй мўминларнинг амири, унда кетишимга рухсат беринг», деди. Абдулмалик ибн Марвон: «Майли, кетавер», деб жавоб берди.

«Солиҳлар гулшани» китобидан